Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqa boshlagan

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI «KAMOLOT» YOSHLAR IJTIMOIY HARAKATINING GAZETASI

2002 yil 27 APREL, shanba
№ 52 (14543)

# ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН:
## ЯНГИ ШАРОИТДАГИ ЯНГИЧА МУНОСАБАТЛАР

**26 апрель куни Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди**

Пойтахтимиздаги "Дўрмон" қароргоҳида Эрон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий шоҳсупага кўтарилди. Давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳда аввал президентлар яккама-якка суҳбатлашди. Мулоқот чоғида ўзаро муносабатларга оид масалаларнинг кенг қамровли муҳокамаси бўлиб ўтди. Ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан фикр алмашилди. Томонлар савдо-иқтисодий алоқаларни янада кенгайтиришга, транспорт коммуникацияси ва сармоя соҳаларидаги ҳамкорликни равнақ топтиришга алоҳида эътибор қаратди.

Шунингдек, халқаро миқёсдаги масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Жумладан, террорчилик муаммоси, Афғонистонда барқарорликнинг мустаҳкамланиши, иқтисодиётнинг тикланишига оид масалалар кўриб чиқилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида Ўзбекистон билан Эрон ўртасида шериклик ва ҳамкорлик алоқаларига оид масалалар муҳокама этилди. Иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг имкониятлари кўплиги, икки давлат ўз салоҳиятини тўлалигича ишга солиб, алоқаларни янги босқичга кўтарса, бундан нафақат Ўзбекистон ва Эрон, балки минтақадаги кўплаб бошқа мамлакатлар ҳам фойда кўриши қайд этилди.

Таъкидламоқ жоизки, Ўзбекистон-Эрон иқтисодий ҳамкорлигининг салмоқли қисми транспорт коммуникацияси соҳасига тегишлидир. Ўзаро алоқалар, айниқса, шу соҳада кенг ривожланмоқда. 1996 йилда Ўзбекистон Эрон ҳудуди орқали 34 минг тонна юк ташиган бўлса, 2001 йили бу борадаги кўрсаткич 487 минг тоннани ташкил этди. Ўзбекистон ҳудуди орқали эса ўтган йили Эроннинг 750 минг тонна транзит юки олиб ўтилган.

Бевосита савдо-иқтисодий муносабатларга келсак, мамлакатимизда элликка яқин Ўзбекистон-Эрон қўшма корхонаси ишлаб турибди. Уларнинг аксарияти тўлалигича Эрон ишбилармонлари сармояси ҳисобига барпо этилган ва асосан ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ҳам ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 11 фоизга ошди.

Музокараларда бундай ютуқлар мамнуният билан таъкидланиб, эндиликда транспорт коммуникацияси билан бир қаторда, банк, молия соҳаларида, чегарадан ўтишга доир ҳужжатларни расмийлаштириш ва ўзаро тўловларни соддалаштириш борасида ҳам ҳамкорликни кенгайтиришга келишиб олинди.

Мамлакатимиз Жануби-шарқий Осиё минтақасига асосан Эроннинг Бандер Аббос ва Чобаҳор портлари орқали чиқади. Айни пайтда Эронда йўл инфратузилмаларини ривожлантириш борасидаги лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мутахассисларнинг фикрича, ишлар ниҳоясига етганидан кейин Ўзбекистоннинг денгизга олиб чиқадиган йўл минг километрга қисқаради.

Шунингдек, ҳозир Афғонистон орқали қатновларни йўлга қўйиш долзарб масалага айланган. Гап Термиздан Афғонистоннинг Мозори Шариф ва Ҳирот шаҳарлари орқали Эронга туташадиган йўл ҳақида кетяпти. Албатта, бу йўлдан биринчи галда Афғонистон катта фойда кўради. Минглаб одамлар ишга жалб этилади, катта-катта сармоя маблағлари ўзлаштирилади. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари ниҳоясига етганидан кейин Афғонистон транзит солиғи олиш билан бирга, катта миқдордаги иш кучини янги йўл инфратузилмасига жалб этиши мумкин.

Музокаралардан кейин ўтказилган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, шу боис ҳам Афғонистон муваққат ҳукумати раҳбари Ҳамид Карзай мамлакат ҳудудида халқаро транспорт коммуникацияси тизимининг янги тармоғи барпо этилишини қизғин қўллаб-қувватламоқда. Афғонистон орқали ўтадиган йўлларнинг Ўзбекистон ва Эрон учун нечоғли фойдалилигини эса гапиришга ҳожат йўқ.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Муҳаммад Ҳотамий Ўзбекистон ва Эрон президентлари ўртасидаги музокаралар якуни юзасидан қўшма баёнотга имзо чекди. Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама соликқа тортилишга йўл қўймаслик, даромад ва сармоя солиқларига тааллуқли маълумотларни алмашиш, транспорт воситаси ҳайдовчилари учун виза масалаларини енгиллаштириш, ташқи сиёсат ва ташқи иқтисодий алоқалар маҳкамалари ўртасида, шунингдек, Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан Эроннинг Савдо, саноат ва тоғ-кон саноати палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов Эрон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи нафақат икки томонлама алоқалар, балки минтақавий интеграция ривожида муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Эрон томони эса ушбу ташрифни ўзаро муносабатлардаги бурилиш нуқтаси деб атади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон-Эрон муносабатлари ҳуқуқий асосининг бойиши мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларининг кўлами янада кенгайишига хизмат қилишини таъкидлади. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон билан Эрон дунёда юзага келаётган янги шароитда янгича муносабатларни қарор топтирмоқда.

Эронлик олий мартабали меҳмон пойтахт марказидаги Темурийлар тарихи Давлат музейига ташриф буюрди. Муҳаммад Ҳотамий улуғ саркарда Амир Темур ва унинг авлодлари ҳаётига оид экспонатларни кўздан кечирар экан, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, миллий қадриятларни тиклаш йўлида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Соҳибқирон номи билан аталувчи музейнинг бунёд этилиши ҳам ана шундай хайрли ишлар сирасидандир.

Эрон Президенти ўз ташрифи доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясида шарқшунос олимлар билан учрашади. Учрашувда "Цивилизациялар мулоқоти ва Шарқнинг ривожланиши" мавзуида гап боради. Самарқанд ва Бухоро шаҳарларини зиёрат қилади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҲАРАКАТ ФАОЛИЯТИДАН

Кеча пойтахтимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий Ҳаракати Марказий Кенгаши ва Ёшлар муаммолари институти ташаббуси билан "Ёшлар муаммолари ва уларнинг ечими: ҳолат ва истиқбол" мавзуида иккинчи республика илмий-амалий анжумани иш бошлади.

Иштирокчилар шўъбаларга бўлиниб, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маънавий-мафкуравий йўналишларда жиноятчилик-

### «МИЛЛИЙ МАФКУРА— БИЗНИНГ МАФКУРА»

нинг олдини олиш, оилавий муаммолар каби олтмишдан зиёд маърузаларни тинглаб, ўзаро фикр алмашадилар.

Анжуман қатнашчилари "Миллий мафкура — бизнинг мафкура" шиори остида тарғибот-ташвиқот гуруҳларини тузиб, жойларда, айниқса, ёшлар ўртасида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар. Эндиликда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мазкур йўналишдаги ишларни янада кучайтиради.

**Нурбек САЛОМОВ**

* * *

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилоят Кенгаши ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти ташаббуси билан "Гулшан" Болалар ва ўсмирлар ижодиёт марказида "Болалар ташкилоти"га ягона ном бериш кўрик танлови бўлиб ўтди. Кўрик танловда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги "Болалар ташкилоти"га аъзо бўлган ҳамда вилоят босқичида иштирок этган ўқувчи ёшлар қатнашдилар.

Кўрик танлов ниҳоясига кўра Сирдарё вилояти Гулистон шаҳар Ҳамза номли 4-ўрта мактабининг "Амир Темур" жамоаси 55 балл тўплаб, вилоят босқичи йўлланмани қўлга киритди. Шунингдек, кўрик танловда фаол иштирок этган жамоалар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Сирдарё вилоят Кенгаши ҳомийлигидаги Болалар ташкилоти томонидан тайёрланган эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**А. ХОЛИҚНАЗАРОВ**

*«УМИД НИҲОЛЛАРИ» СПОРТ ЎЙИНЛАРИ КУНДАЛИГИ*

## ПОЛВОНЛАР САРАЛАНДИ

Фарғона вилоят махсус футбол лицейида миллий кураш бўйича "Умид ниҳоллари" республика спорт мусобақаси ниҳоясига етди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган юзга яқин полвон етти вазн тоифасида ўзаро беллашди.

Икки кун давом этган мазкур беллашувлар қизиқарли ва муросасиз курашларга бой бўлди. Мусобақа якунига кўра, қашқадарёлик Баҳриддин Саломов, Аброр Чориев, Рустам Авлиёқулов, Фарҳод Сафаров, навоийлик Исмоил Қурбонов, Улуғбек Мажидов ҳамда бухоролик Алишер Курёзов ўз вазн тоифасида ғолиб бўлди.



Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё вилояти полвонлари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин Сурхондарё ва Хоразм вилояти полвонларига насиб этди. Улар илк бор ўтказилган "Умид ниҳоллари" республика спорт мусобақаларининг биринчи чемпиони номига сазовор бўлди.

- Финалда хоразмлик полвон билан курашдим,- дейди Бухоро вилояти Олот туманидаги 28-мактабнинг 10-синф ўқувчиси А.Қурёзов. - Беш йилдан буён ушбу спорт тури билан шуғулланаман. Келажакда нуфузли турнирларда, жаҳон ҳамда қитъа мусобақаларида юртимиз шарафини ҳимоя қилишни орзу қиламан.

Ғолиблар беллашув ташкилотчилари ва ҳомийлар томонидан таъсис этилган эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**Расул КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари**

Bugunning yoshlari

# ОЛИМ БЎЛИШ... ОСОНМАС!



Холматжон ИМОМНАЗАРОВ — республикамиздаги энг ёш фан докторларидан. У Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олаётган даврдаёқ соҳанинг энг етук олим, мутахассислари назарига тушди. Фаоллиги боис Йўлланма билан Новосибирск Давлат Университетида ўқишни давом эттирди. Сўнгра шу Университет аспирантурасини тугатиб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Отаси — Худойназар Имомназаров Холматжонни устозлари — физика-математика фанлар докторлари А.Ворисов ва Р. Ашуровдек соҳанинг етук олими бўлишини орзу қилган эди.

Холматжон бу орзуни отаси ният қилгандан-да зиёдроқ амалга оширди. Россия Фанлар Академияси Сибирь бўлими Ҳисоблаш ва геофизика математикаси институтида илмий ишини давом эттириб, 2001 йилда "Ғовак муҳитда эластиклик тенгламаси билан Максвель тенгламасининг қўшма математик модели" мавзуида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Диссертациянинг асосий мазмуни Ер ости суюқликлари ва сейсмик ҳолатининг математик моделини ўрганиш ҳамда бу назария орқали Ер силкинишларининг сабабларини, Ер ости бойликларидан газ ва нефть қазиб олишнинг самарали йўлларини ўрганишдан иборатдир. Х. Имомназаров ёш бўлишига қарамай катта илмий ютуқларга эришди.

Ҳозирда Холматжоннинг ўттиздан ортиқ илмий мақолалари чоп этилиб, илмий кенгашлар томонидан эътироф этилган.

**Д. ЖУМАБОЕВ**

Festival oldidan

# «БОЙСУН БАҲОРИ»га тайёргарлик қизғин

Миллий анъаналарини қадрлаган эл вақти келиб муносиб эъзозга эришмоғи шубҳасиз. Маълумки, 2001 йил май ойида ЮНЕСКО томонидан Бойсун маданияти ва халқ оғзаки ижоди инсоният номоддий меросининг дурдонаси сифатида дунё бўйлаб тан олинди.

Яқинда Сурхондарёнинг гўзал ва пурвиқор тоғлар бағрида жойлашган бу туманда "Бойсун баҳори" очиқ фольклор фестивали бўлиб ўтади. Дастурга мувофиқ, жойларда очиқ концертлар ўтказиш, тарихий-маданий ёдгорликлар бўйлаб саёҳат, турли мамлакат фольклор ансамблларининг кўрик-танловлари, бахшилар беллашуви, ижодий учрашувлар, халқ ҳунармандчилиги буюмларининг кўргазмали намойиши каби кўплаб маросимларни ўтказиш кўзда тутилган.

Айни кунларда эса "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бойсун туман Кенгаши ташаббуси билан фестивал олдидан тумандаги барча ёшлар ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига жалб этилган. Озодалик кўзни ҳам, кўнгилни ҳам қувнатади, албатта. Теварак-атрофни янада кўркам гўшага айлантириш юмушларида



тумандаги мактаб ва коллежлар жамоаси алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Бунда эса билим даргоҳларидаги "Камолот" етакчилари ҳамиша ёшларга бош-қош. Хусусан, шаҳардаги 1-мактаб ўқувчилари ўз илм масканлари ва унинг атрофидаги кўчаларни тозалаб, турли мевали дарахт кўчатлари ўтқазишди, бу ниҳоллар парвариши учун назорат гуруҳи тузилган. Шунингдек, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи талабалари белгиланган ерларга гуллар экиб, юрт ободлиги йўлида ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Шунинг баробарида улар Газа маҳалласида таъмирланаётган янги коллеж майдонида ҳам ободонлаштириш ишларини олиб бориш билан бир қаторда ҳар куни дарсдан ташқари гуруҳлар тузилиб, қурилиш ишларида ҳам яқин кўмакдош бўлишмоқда.

Шуни эътироф этмоқ жоизки, туманнинг илғор, меҳнатсевар ёшлари иштирокида ташкил этилган гуруҳ "Бойсун баҳори" очиқ фестивали тадбирларини ўтказиш лозим бўлган "Алпомиш" истироҳат боғини, муқаддас қадамжолар теварагини қайта таъмирлаш ва кўркамлаштириш йўлида кенг кўламли ишларни амалга оширяптилар.

Бойсуннинг баҳори бошқача бўлади. Шундай кўркам, баҳаво, қадимий, муқаддас масканда ўтказилажак тантана ва саёҳатларга иштирок этганлар бу бетакрор юртнинг боқийлигига яна бир карра иймон келтирса не ажаб...

**Илҳом РАЗЗОҚОВ,**
**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Бойсун туман Кенгаши раиси**

Ta'lim va islohot

# БИЛИМНИ МАЖБУРЛАБ СИНГДИРИБ БЎЛМАЙДИ

***Маълумки, иқтисодиёт давлатнинг асосий таянчларидан биридир. Иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш учун эса уни амалга оширувчи мутахассислар юксак малакага эга бўлишлари лозим. Таълим жараёнида бўлажак иқтисодчи талабаларнинг иқтисодий билимини ошириш, уларнинг тафаккурини бойитиш ишлари қай даражада кечаётганлигини билиш мақсадида бу соҳада қирқ йилдан ортиқ тажрибага эга бўлган Тошкент Молия институтининг доценти Талъат ШОҒИЁСОВни суҳбатга тортиб, бир нечта саволларга жавоб изладик.***



**— Иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар иқтисодий фанлар таълими жараёнида қай даражада ўз аксини топмоқда?**

— Бирор-бир ислоҳотни амалга ошириш учун аввало унинг мағзини аҳоли яхши тушуниб етмоғи лозим. Бизда аҳолининг кўпчилигини ёшлар ташкил этади. Уларнинг аксарияти эса ўқувчи-талабалардир.

Шу боис уларнинг иқтисодий тафаккурини бойитиш, уни шакллантириш, таълим жараёнини бевосита давр ўзгаришлари билан мос равишда олиб бориш қатор ўқув юртлари каби Тошкент Молия институтида ҳам яхши йўлга қўйилган.Институт ихтисосликдан келиб чиққан ҳолда талабаларга ўқитиладиган фанлар ичида иқтисодий фанлар салмоқли ўринга эга.

**— Таълимнинг самарали бўлиши асосан кимга боғлиқ. Бунда кўпроқ ўқитувчи масъулми ёки талаба?**

—Ҳеч кимга зўрлаб билим сингдириб бўлмайди. Болани қанчалик кўп мажбур қилсангиз, у шунчалик фандан узоқлашишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ўқитувчиларнинг энг етакчи хислатларидан бири сифатида ўқувчи-талабани фанга қизиқтира билиш маҳорати бўлиши лозим. Уларни ўз устида ишлашга, изланишга ундай ола билсагина яхши натижага эришиш мумкин.

Айнан шуларни назарда тутган ҳолда ҳукуматимиз томонидан белгиланган тарзда ҳар йили ўқитувчилар учун аттестация ўтказилиб, турилади. Бу эса уларни янада чуқурроқ касб-малакага эга бўлишини таъминлайди.

**—Бозор муносабатлари жараёнида мамлакатимизда янги-янги иқтисодий фанлар жорий этилди. Албатта, бу фанларни ўқитиш учун етарли адабиёт-манбалар бўлиши лозим.**

— Тўғри, мустақилликка эришгандан сўнг барча соҳалар каби иқтисодиёт соҳасида ҳам бир қатор янги фанлар тизими жорий этилди. Тегишли фанлар доирасида кўпгина адабиётлар кетма-кет нашр қилинмоқда.

Институтнинг барча кафедралари томонидан ўқитиладиган фанлар учун маъруза матнлари тайёрланган. Хусусан, "Молиявий таҳлил" кафедраси ўқитувчилари ҳам кафедра томонидан ўқитиладиган барча фанлар бўйича маъруза матнлари ва кўпгина қўшимча адабиётлар нашр қилдирдик.

Кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг иккинчи босқичида таълим самарадорлигига эътибор янада кучаяди. Талабаларнинг мустақил тайёргарлигини ошириш мақсадида институт кутубхонаси янада бойитиб борилмоқда. Кутубхонада ўқитилаётган барча фанлар маъруза матнлари, ўқув-услубий қўлланмалар, кўргазмавий қуроллар, хорижий дарсликларнинг ўзбек тилидаги таржималари билан етарли даржада таъминланган. Шу билан бирга магистрлик, бакалавр ишлари мавзуси қайта кўриб чиқилиши, битирув ишларига тегишли вазирликлар, корпорация, ташкилотлар талаблари асосида бажарилиши мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда институт кредит-иқтисод, молия-иқтисод ва ҳисоб-иқтисод йўналишларида кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари ичида таянч маркази ҳисобланади.

**— Бугунги талабаларнинг илмга чанқоқлиги ва билим даражасини қандай баҳолайсиз?**

— Мен қирқ йилдан бери ўқувчи-талабаларга таълим бериб келмоқдаман. Бугунги кун ёшлари ҳақида гапирганда, аввало, уларнинг дунёқараши, фикрлаш даражаси анча кенг эканлигини таъкидлаш лозим.

Мен тажрибаларимдан шуни гувоҳи бўлдимки, ҳозирги ёшлар ўз эртасини ўзи қуришга, ўз тақдирини ўзи белгилашга ҳаракат қиляпти. Лекин, оз бўлса-да, бeғам, бе-ташвиш, ўзлаштириши суст бўлганлари ҳам мавжуд. Уларнинг ҳам савиясини ошириш учун қўшимча дарс соатлари орқали ишлашга тўғри келмоқда.

Ишонч билан айта оламизки, ёшларимиз орасида ўз фикрига таянадиганлари йилдан-йилга кўпайиб бораверади.

**Иззатулла ТАНГРИЕВ**



# ҚУЛАЙЛИКЛАР МАСКАНИ



**Ю**ртимизда бугунги ёш авлодга илм ва касб чўққиларини эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё этилди. Бизнинг илм масканимизда ҳам талабаларга ўзларининг билим ва қобилиятларини намоён этишларига барча имконият ва қулайликлар яратиб берилган. Айни пайтда ҳамширалик иши, даволаш иши, тиш техниги мутахассисликлари бўйича таҳсил олаётган 810 нафар йигит-қизга 69 нафар ўз фанини сир-синоатларини мукаммал биладиган ўқитувчилар сабоқ бермоқда. Билим юртининг 41 та ўқув ва лаборатория хоналари замонавий тиббий асбоб-ускуна ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Мазкур хоналарда талабаларимиз назарий ва амалий билимларини мустаҳкамламоқдалар. Шунингдек, талабаларимиз ўқув жараёнида компьютер, видео, киноаппарат, эпидиаскоп, кодоскоп, дифилмаскоп, микроскоп сингари техника воситаларидан кенг фойдаланишаётир. Бундан ташқари, йигит-қизларимиз спорт зали, сузиш бассейни, спорт майдончаси, кутубхона, ўқув зали, 200 ўринга мўлжалланган ётоқхона ва ошхонадан беминнат фойдаланмоқдалар.

Айниқса, мураббийларимиздан Шарифа Тоирова, Марғуба Бахриева, Ортиқ Муродов ташкилотчиликлари билан талабаларга намуна бўлишмоқда.

**Уйғун ХОЛМАТОВ,**
**Муборак тиббиёт билим юрти директори ўринбосари**

«Turkiston» қаҳвахонаси

# ҚЎШИҚ — ЯХШИ НИЯТ БЎЛСА...

**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд НАМОЗОВ**

***— Навбатдаги концерт дастурини иложи борича кўтаринки кайфиятдаги қўшиқлардан тайёрлашга ҳаракат қилдик, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозов Миллий матбуот марказида журналистлар билан концертолди учрашувини ўтказар экан.***

Шу жойда, азиз газетхоннинг ижозати билан, аллақачон элнинг суюкли хонандасига айланиб улгурган ижодкор ҳақида тўхталиб, озгина лирик чекиниш қилмоқчимиз. Зеро, бугунги мақолани ёзишдан мақсадимиз ҳам Маҳмуд Намозовни мақташдан ё реклама қилишдан иборат эмас (зеро, матбуот анжуманида ҳам таъкидлаб ўтилганидек, мақташдан осони йўқ, қолаверса, бунга эҳтиёж ҳам кўрмаяпмиз). Балки шу учрашув баҳона бугунги ўзбек эстрада муаммолари ҳақида айтилган бир чимдим бўлсада янги ва мустақил фикрларни олиб чиқсак, деган ниятимиз бор.

Чекинишимиз ҳам худди шу маънода, тўғрироғи, Миллий матбуот марказида ўтказиладиган учрашувлар тўғрисида. Гап шундаки, ушбу марказ ташкил топганидан буён бу ерда жуда кўплаб муаммоларга бағишланган матбуот анжуманлари ўтказиб келинмоқда. Натижада, энг муҳими, мутасадди идоралар ходимлари билан журналистлар ўртасидаги тушунмовчиликлар бир қадар ўз ечимини топаётирки, буни биронта ҳамкасбимиз инкор қилмаса керак. Хўш, шундай экан, бугун нега миллий санъатимиз, айниқса, миллий эстрадамиз борасидаги муаммолар матбуот анжуманларининг мавзуси бўлмаслиги керак? Ахир кейинги пайтда енгил-елпи қўшиқлар болалаб кетаётгани, ҳам санъатимизга, ҳам тилимизга нисбатан ҳурматсизлик бўлган бундай жараённинг олдини олиш лозимлиги тўғрисида жуда кўп гапирилаётган бўлишига қарамасдан, деярли бирон бир ижобий натижага эриша олмаяпмиз-ку. Демакки, энг аввало, бир-биримизни тушунмаяпмиз ё назар-писанд қилмаяпмиз. Шундай экан, журналистлар билан санъаткорларни бир даврага тўплаш, бир-бирларининг кўзларига тик боқиб гаплашиб олишларига имконият яратиш фурсати аллақачон етган. Айнан мана шу маънода МММда аввало Юлдуз Усмонова билан, мана энди Маҳмуд Намозов билан матбуот анжумани ташкил этилаётгани ва бу анъанани давом эттиришга киришилаётгани айни муддао.

Энди яна муаммога қайтсак.

— Журналистларнинг халқ бойлиги бўлган санъатнинг савияси учун жон куйдираётганларидан албатта севинамиз, — дейди Маҳмуд Намозов. Бугун эса ҳамма жойда айнан қайта-қайта танқид қилинаётган хонандаларнинг рекламасига кўзингиз тушади. Газеталарнинг биринчи бетида ҳам, эфирда ҳам улар. Энди ўйлаб кўринг, бундай вазиятда ким кўпроқ ютиши мумкин? Мен эса муаммоли соҳа бўлган санъатга муносабатда оммавий ахборот воситалари ўзлари учун мезон яратиб олишса дея ният қиламан. Масалан, фалон газетанинг санъатни баҳолаш даражаси шунчалик юқори бўлсаки, унда бир оғиз сўзим чоп этилиши ё расмим чиқиши, ёки бўлмасам фалон обрўли каналда битта қўшиғим эфирга узатилишига ҳавас қилсам, шунга лойиқ бўлиш учун интилсам. Масалан, "Халқлар дўстлиги" санъат саройида якка концерт беришни орзу қилган сингари.

Назаримизда, ҳамма биладиган, лекин ҳали муаммонинг туб сабаби сифатида кўрсатилмаган ҳақ гаплар. Зеро, бозор иқтисоди "шарофати" билан реклама, пуллик хизмат деган сўзлар кириб келдию, у қайсидир пулдорлар учун зўр қуролга айланди. Пул баъзан рекламанинг қонун-қоидаларини ҳам бемалол бузиб ўтмоқда...

Матбуот анжуманидаги эсдан



чиқмайдиган яна бир нуқта эса Маҳмуд Намозовнинг "Менинг хоббим шеър ўқиш. Бошқаларни билмадиму, лекин мен айниқса яхши шеърга дуч келсам лаззат оламан", деган гаплари бўлди. Мана гап қаерда, дейсиз беихтиёр. Қўшиқ сўзларининг бачкана бўлмаслиги учун аввало хонанда сўз қадрини тушуна билиши керак-да. Сўз қадрини билиш учун эса сўзнинг ўзидан хабардор бўлиш, у билан бирга яшай билиш, сўзни юракдан ўтказа олиш лозим.

Бундан ташқари, Маҳмуд Намозов халқ қўшиқлари, айниқса, бахшичилик санъати билан ҳам яқиндан таниш. Халқ қўшиқларида, бахшилар ижодида эса қуруқ ва маънисиз сўзлар бўлмайди. Чунки кўнгилга ёт сўзлар асрлар оша тиллардан-тилларга кўча олмайди. Сурхондарё ва Қашқадарё бахшичилик мактабларининг таълимини олган Маҳмуд Намозовнинг ҳар қандай замонавий йўлда қўшиқ айтаётиб ҳам сўзга қоқилмаслиги боиси шунда бўлса не ажаб... Демак, ёш санъаткорларимиз қўшиқ куйлаб халқнинг олдига чиқишдан олдин халқнинг ўзини тинглаб кўришлари, ундан ўрганишлари керак.

Бу борадаги яна бир жиҳат эса мутахассис билан маслаҳат. Агар хонанда ўз бастакори, мусиқа сайқалловчисига эга бўлгани каби ўз шоирига ёки сўз бўйича мутахассис маслаҳатчисига эга бўлса ҳам иш анча силлиқ кўчган бўларди. Шунда ҳеч бўлмаса на қофиясиз, на мазмунсиз сўзлар тизмасини мусиқага солиб қичқиравермас эдилар. Ёки бўлмаса, кимнингдир шеърини кўриб қолиб, муаллифига эътибор ҳам қилмасдан, пала-партиш ўзгартирганча қўшиқ қилавермаган бўлишарди (аксарият ҳолларда шеърнинг мазмуни мутлақо ўзгартириб юборилади). Тўғри, ҳамма шеър ҳам қўшиққа тушавермайди ва шундай бўлмаганида, улар ўз меъзонлари билан ажралиб турмаганида иккаласи алоҳида-алоҳида яшаб келмаган бўларди. Лекин, ҳар қандай шеърнинг ҳам ижодкори бор. У ҳам ким учундир ўз фарзанди каби азиз. Ҳеч бўлмаса ана шунинг ҳурматини қилиш керак эмасми? Маҳмуд Намозов эса буни яхши тушунади. Ҳамиша элнинг таниқли шоирлари билан бамаслаҳат иш қилади. Уларнинг маслаҳатларидан самарали фойдаланади. "Аксарият ҳолда шоирлар билан хонандалар бир-бири билан келишмайди, — дея тан олади Маҳмуд Намозов учрашув чоғида шу маънода ташланган саволга жавоб бера туриб. — Аммо мен таниш хонандаларга ҳамиша бир нарсани таъкидлайман — шоирлар билан келишиб ишлашга мажбурмиз. Чунки биз қўшиқ қилмоқчи бўлган шеър унинг мулки. Аммо унинг фалон жойини ўзгартирмасак қўшиқ бўлмайди. Албатта бизнинг бу гапимиз шоирга ёқмаслиги тайин. Лекин шу шеърни қўшиқ қилмоқчи эканмиз, уни ўзгартириб беришга шоирни кўндиришга мажбурмиз. Бунинг йўлини топиш бизнинг ишимиз".

Хуллас, анжуманда яна қатор қизиқарли мулоҳазалар билдирилдики, биз журналистлар санъат соҳасида мақола ёзиш жараёнида улардан бемалол самарали фойдаланишимиз мумкин. Маҳмуд Намозов эса газетамиз чоп этилаётган айни лаҳзаларда ўзининг узоқ йиллик орзулари ва меҳнатларининг натижаси ўлароқ "Халқлар дўстлиги" саройида якка концертини намойиш қилмоқда. Газета қўлингизга етиб борганида эса у "Сурхон" гуруҳининг ҳар бир ҳаракатида самимият балқиб турадиган ва чарчаш нималигини билмайдиган йигитлари билан концертнинг иккинчи куни учун тайёргарлик кўраётган бўлади. Дарвоқе, нега ушбу концерт "Она юрт оҳанглари" деб номланганлиги хусусида. Бу ҳақда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маҳмуд Намозовнинг ўзи шундай дейди: "Биз халқдан олиб халққа берувчилармиз! Шундай экан, бизнинг концертимизда ҳам аслида она юрт бойлиги бўлган оҳанглар жаранглайди!"

**Нурбек ТОШНИЁЗ,**
**журналист**


# «ҚЎҚОНСПИРТ» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

## АКЦИЯЛАР СОТИЛИШИ ВА ЖОЙЛАШТИРИЛИШИНИНГ БОШЛАНИШИНИ

## ЭЪЛОН ҚИЛАДИ



**Асосий ишлаб чиқариш маҳсулоти — озуқа этил спирти**

Ишлаб чиқариш қуввати (бир йилда) — 2464,2 минг дал (1дал — 10 литр)



Устав фонди — 10127692,0 минг сўм.
Акциялар сони — 10127692 дона
Битта акциянинг номинал қиймати — 1000 сўм (ҳамма акциялар бир хил номинал қийматга эга)

Давлат улушига ажратилган акциялар — 51%
Меҳнат жамоаси улушига ажратилган акциялар — 2%
Хорижий инвесторлар улушига ажратилган акциялар — 47%

*Манзил: Қўқон шаҳри, Муқимий шаҳарчаси — 713030*
Тел: 8 —(37355) 35573, 32249, 21657, факс: 30737

Чиқарилаётган акцияларга қимматли қоғозларни идентификациялаш миллий рақамли тизимининг RU101P0306T5 миллий идентификация рақами берилди.

# ХУШ ҚОЛ...

(Қисса)

(Давоми, боши ўтган сонларда)

— Майли ҳар ким ўз йўлидан юради. Ҳолаганича, имкони етганича яшайди. Мен биламанки, сенга иш таклиф қилган куним офисда ҳамма нарса қонуний деб ўйладинг. Бироқ ўшанда сенинг нимангдир жуда ёқиб кетган эди. Шундай бўлгандан кейин сенга тўғри гапни айтолмасдим. Сен ёнимда бўлсанг, биласанми, қандайдир... Э, майли, кетишни истар экансан, кетавер. Нима бўлишидан қатъий назар, ёнимда бўлганингда мен қандайдир хурсанд эдим. Сенда ўзим йўқотган нималарнидир кўрармидим, билмийман... Хайр, омадингни берсин, - деди Ҳабиб ва қўлини узатди. Жаъфар унинг кўзларига тикилиб қаради, қўлини қаттиқ қисди ва бир сўз демасдан ташқарига чиқиб кетди.

### VII

Жаъфарнинг ҳикояси шофёрга таъсир этгани кўриниб турарди. У жуда жиддий ўтирар, гўёки Ҳабиб наркоманнию ўша кунги воқеани кўз олдига келтириб, қайта томоша қиларди.

— Шундан кейин бошқа кўрмадингми? — бурилиб сўради ниҳоят.

— Йўқ, лекин Гуляни бир куни кўчада кўриб қолдим. Қарангки, мен кетганимдан кейин сал ўтмай конторани милиция босибди, наркотик моддалар ҳам, қалбаки ҳужжатларни ҳам топишибди. Баъзи бировларни қамашибди, баъзиларини мажбурий даволанишга қўйишибди. Лекин ўша вақтда Ҳабиб йўқ экан.

— Оббо, энг ашаддийси яна қутулиб кетган эканми?

— Э, йўқ, - деб аччиқ кулди Жаъфар сўнгги сигаретини олиб тутатар экан. — Бир неча кун уни топишолмабди. Шаҳардан чиқиб кетган, деган овозаям тарқалибди. Лекин кейин унинг машинасини уйи яқинидаги бир боғчадан топишибди. Қиш эди, қор қалин ёққан, мошинанинг қанақалиги ҳам билинмай қолган. Биров унга эътибор ҳам қилмаган шекилли. Кабинада эса Ҳабиб ётган экан. Ким билади — уйига етолмаганми ёки навбатдаги дозани олиш учун ўша хилват боққа бурилганми — бироқ жуда катта доза олиб ўлгани аниқланган. Машинада уч кун ётган, жасади қотиб қолган экан.

— Мен наркоманлар ҳақида эшитган эдим, холос. Аммо бу тарафларини билмас эдим. Айтганларинг бари қизиқ, аммо жа кўнгилни ғалати қивораркан.

— Биламан, амаки.

— Хўп, кел энди суҳбатимизнинг бошига қайтайлик. Мен сендан Самарқанд ҳақида, хотининг ҳақида сўрадим.

— Сиз менга Американинг бўтда нима даҳли бор дедингиз. Шунинг учун ўша мамлакат билан боғлиқ айрим воқеаларни айтиб бердим. Ўша ёққа бориш орзуим-у ва ҳоказолар.

— Кечирасан, ука, Америкага фақат томоша учун бормоқчимидинг? Ёки ишлаш учун ҳамми?

— Ҳар иккаласи учун ҳам. Билиб олдингиз-ку, супраси қуруқларданмиз. Америка эса "Страна — больших возможностей!" Ай, майли, энди бу ёғини ҳам айтиб бераман.

### VIII

— Телестудияга режиссёр ёрдамчиси қилиб олишди. Ишим енгил эди. Кўрсатув тайёрлашга борганда, операторнинг ашқал-дашқалини кўтарардим. Баъзан редакторнинг объектга берадиган саволларини кўриб берардим. Ҳарқалай, адабий саводим дуруст эди: вақтида адабиётга қизиққаним яхши бўлган. Бироқ оладиган маошим ҳам шу хизматимга яраша эдики, турган гап — бу мани қаноатлантирмас эди. Сигаретни ташлаб, носга ўтаман деб юрган кунларимнинг бирида уйдагилар: "Сени уйлантирамиз", деб қолишди. Мен рози бўлдим. Ота-онам ҳамма вақт менинг райимга қарашарди. Навбат менга ҳам етди. "Ўзларинг биласизлар", дедим. Аммо кўнглимда бир эзилишни ҳис этдим: булар қариб қолишяпти. Мен хотинни қандай қилиб боқаман?

"Ишқилиб, ўз кунини ўзи кўрадигани учрасин-да", деган фикр ҳам хаёлимдан ўтди.

Биз оилада икки фарзандмиз холос. Опам уйли-жойли бўлиб кетган. Лекин менга меҳрибон. Кўпинча мен ҳақимда ўйлар, қаерда, нима иш билан шуғулланаётганимга қизиқар эди. Онам бўлса: "Жаъфарнинг ўзига яраша ақли бор. Қўй, тергайверма", деб қўярдилар. Ўттиз йил Ўзбекфильмда гоҳ картина директори, гоҳ администратор бўлиб ишлаган дадам пенсияга чиқиб қолган, нуқул детектив асарларни топиб ўқир, телевизор кўрарди. Менга қандайдир лоқайд, афтидан, тарбиямни ҳам, тақдиримни ҳам ойимга топшириб қўйган эдилар.

Хуллас ойим топган қиз билан учрашадиган бўлдик. "Ўзимизга ўхшаган ўртаҳол, зиёли оиласидан экан. Лекин самарқандлик..." дедилар.

— Онанг уни Самарқанддан топган эканми?- деб сўради шофёр йўлдан кўзини узмай.

— Йўқ, - деди Жаъфар. — Қиз Тошкентда яшайдиган қариндошининг уйига келган экан. Қариндоши ойим билан бир мактабда дарс бераркан. Ўша қариндоши қизни таништирган экан ойимга...

— Қизиқ, эр излаб келган экан-да Тошкентга? — деди шофёр ҳамон олдиндан кўз олмай. Жаъфар унга таажжубланиб тикилди-да, ғамгин тортиб.

— Эҳтимол, деди.

— Кечирасан, гапиравер.

### IX

Жаъфарнинг кўз олдига ўша учрашув келди. Ангелина сайргоҳ четидаги скамейка ёнида тик турар, ёнидаги баланд тагликка ўрнатилган соатга қараб-қараб қўярди. Трамвайдан тушган Жаъфар уни дарҳол сарғиш соч ва новчагина бўйидан таниди. Қўлида айтилган малла сумкача ҳам бор эди.

Биласизки, одатда, қиз билан йигитни биринчи бор қариндошлардан биронтаси таништиради-да, кейин ўзини четга олади. Бу Ангелина дангалига: "Менга даллол керакмас", деган экан. Жаъфар уни кўрибоқ ўз аҳдига собит, мустақил фикрлайдиган қиз эканига ишонди. Қиз ҳақиқатан ҳам мағрур ва жиддий эди.

У ҳам Жаъфарни дарров таниди ва унга қандайдир совуқ синовчан тикилиб тураверди. Эътироф этиш лозимки, Жаъфар онасининг маслаҳатига кўра, "зиёли оиланинг қизи" билан учрашувга нақ зиёли йигитча бўлиб келган эди. Оппоқ кўйлак, тимқора галстук, ярқиратиб чўткаланган туфли. Бу кийим-бош унинг қотма, табиатан зиёлиларга хос гавдасига ярашиб турар, хиёл маллатоб сочлари ҳам силлиқ таралган, бирон толаси пешонасига тушиб кетса ҳам - уни сезар ва жойига қайтарар эди.

— Салом, Ангелина, — деб табассум қилди Жаъфар қўл узатишни ўзича одобсизлик ҳисоблаб.

— Салом, Жаъфар, - дея қиз ингичка бармоқларида иккита антиқа узук ярқираб турган қўлини узатди. Жаъфар ҳаяжон билан унинг қўлини олди ва кўнглида ундан миннатдор бўлди: дадил қиз экан. Бемалол очиқ гаплашиш мумкин.

— Самарқандлар жойидами? — жилмайиб сўради Жаъфар.

— Жойида, жойида, — деди у тезгина. — Бирон ерда ўтирайлик. Мен таксида вақтли келувдим. Оёғим толиб кетди. Юринг, анову БАРга борамиз!

— Мен ўзим ўша ерга таклиф қилмоқчийдим, деди Жаъфар. — Шунинг учун шу ерда учрашиш керак девдим.

— Раҳмат. Мен Тошкентни яхши билмайман. Бунга қараганда Нью-Йоркни яхшироқ билсам керак.

— Нью-Йоркни? Америкада бўлганмисиз?

— Бўлмаганман. Аммо харитасини ўрганиб чиққанман. Канададаги Гудзон кўрфазигача топиб бороламан. — Ангелина илк марта тишини кўрсатиб жилмайди. Аммо жилмайиши ҳам ҳийла совуқ ва киборона эдики, асло шарқона эмасди: яъни иссиқ, жозибали эмасдики, унинг авлодларида ўзга юрт қони борлигини тахмин қилиш мумкин эди.

— Касбингиз...географми?

— А, йўқ. Иностраннийни битирганман. Шунчаки Америкага қизиқаман, холос.

— Тавба.

— Нега "тавба"дейсиз?

(Давоми бор)

Жаҳонгир ХОЛМИРЗАЕВ

## «Turkiston» qaldirg`ochlari

### СЕНИНГ ИШҚИНГ

*Сенинг ишқинг мени,*
*Ёндирмас эди.*
*Хазон бўлган гул каби*
*Сўлдирмас эди.*
*Ҳар тунда мен сени*
*Кўрмасам эди.*

*Севгига бунчалик*
*Бўлмасдим шайдо.*
*Гоҳ кулгу, гоҳ жоду*
*Бўлиб кўриндим.*

### ТОҒ БЎЛГИН ЙИГИТ

*Кўкрагинг кериб сен,*
*Мағрур тур йигит.*
*Қўзғалган бўронда*
*Тоғ бўлгин йигит.*
*Қўрқитгин дунёнинг*
*Ғам-аламларин,*
*Бағрида яралган*
*Чаён зотини.*
*Сен чинор бўлиб*
*Тургин ёнимда,*
*Мен эса қуш бўлиб*
*Қўнай жонингга.*

### ПАЙДО БЎЛДИ ҚЎЛИМДА ҚАЛАМ

*Туйғуларим бўлиб бирдан жам*
*Юрагимни куйдирди оташ.*
*Ёнаётган танамда ўтлар*
*Пайдо бўлди қўлимда қалам.*

*Бошланмоқда ҳидоят йўли,*
*Йўлим тўсманг, бегуноҳ кимса.*

*Ҳидоятнинг йўлида мен ҳам*
*Кимлар кутар, қўлида гуллар...*

*Насиб қилсин ҳар бир кимсага*
*Иймон йўли, ҳидоят йўли.*
*Ҳар ғунчага етказсин Оллоҳ*
*Ўз булбули, гўзалликни ҳам.*

Дилшода АСЛАНОВА

## ЗЕҲНИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

Бундан 300 йил олдин бир баджаҳл бой яшаб ўтган экан. Унинг гўзалликда тенгсиз Гули исмли қизи бор экан. Бой қизини бадавлат қўшнисининг ўғлига турмушга беришга ваъда берибди. Лекин қиз оддий темирчи Алини севар экан. Бир куни Али қиз билан бирга қочмоқчи бўлганда, уларни бойнинг хизмткорлари ушлаб олишибди. Жаҳли чиққан бой қизини, канизаги ва темирчи Алини баланд ташландиқ бир минорага қамаб қўйибди.

Темирчи Али дарҳол минорани кўздан кечириб чиқибди: дарчадан сакраб бўлмайди, жуда баланд. Шунда Али дарча олдида занглаган ғилдиракка ўралган арқонни кўриб қолибди. Арқоннинг иккала учига ҳам сават боғлаб қўйилган. Алининг ёдига тушибди: қурувчилар бу саватлар орқали юқорига тошларни кўтаришган. Агар саватлардан бирининг ичидаги юк иккинчисиникидан: 2-6 кг оғир бўлса, сават секинлик билан пастга тушади, иккинчи сават эса юқорига кўтарилади.

Али дарҳол кўз билан чамалаб кўрди: Гулининг оғирлиги 50 кг, канизакнинг оғирлиги 40 кг, Алининг оғирлиги эса 90 кг. Бундан ташқари у минора ичидан 30 кг оғирликдаги занжир топиб олди. Ҳар бир саватга битта одам ва занжир ёки иккита одам сиғиши мумкин. Шунинг учун уларнинг уччаласи ҳам осонлик билан ерга тушиб олишди. Ҳар бир киши тушаётган вақтда одами бор сават юқорига кўтарилаётган саватдан 10 кг оғир бўлар эди.

*Улар минорадан қандай тушиб олишди?*

**Жавобларингизни кутамиз.**

## ЮЛДУЗЛАР СЎЙЛАГАНДА (29.04-5.05)



**ҚЎЙ** Бу ҳафта сиз учун яхши келади. Хушкайфият ва тансиҳатлик ҳамиша сизга ҳамроҳ бўлади. Яқинларингиз ва ҳамкасбларингизни ўз муомалангиз ва хулқ-атворингиз билан жалб қиласиз.



**БУЗОҚ** Душанба ва сешанба кунлари шундай шижоат билан ишга киришасизки, бир ҳафтада улгура олмаган ишларингизни икки кунда бажариб ташлайсиз. Ҳамма ишларингиз ўнгидан келади ва ҳафта давомида яхши дам оласиз.



**ЭГИЗАКЛАР** Шунча ишларни қандай қилиб ёлғиз ўзингиз дарров уддалай олганингиз бошқалар учун сир бўлиб қолаверсин. Фақат соғлиғингизни эҳтиёт қилинг. Эскирган овқат ёки чириган меваларни истеъмол қилманг, заҳарланишингиз мумкин.



**ҚИСҚИЧБАҚА** Ҳафта давомида кайфиятингиз аъло даражада бўлиб, ҳамманинг кўнглини овлайсиз. Ҳамма ишларингизни ўз вақтида бажариб, мақтовлар эшитасиз. Соғлиғингиз сизни безовта қилмайди. Турли давраларнинг эътибор марказида бўласиз. Лекин эсингизда бўлсин, ҳамма нарсанинг ўз меъёри бўлгани яхши.



**АРСЛОН** Қўлингизга пул тушиши мумкин. Янги танишлар орттирасиз, улар келажакда яқин дўстларингизга айланади. Дам олиш кунларини оилангиз даврасида кўнгилли ўтказасиз.



**ПАРИЗОД** Уддабуронлигингиз, қатъиятлилигингиз ва шижоатингиз ўз натижасини беради. Ҳамкасбларингиз билан ҳал қилолмай турган муаммоларингизни бир ёқли қиласиз. Консерваланган маҳсулотларни истеъмол қилмай туринг. Соғлиғингизни эҳтиёт қилинг.



**ТАРОЗИ** Бу ҳафта иш учун ҳам, дам олиш учун ҳам қулайдир. Агар шартномалар тузишни ният қилган бўлсангиз, уларни шу ҳафта амалга оширинг. Дори-дармонларни фарзандларингиздан узоқроқ сақланг.



**ЧАЁН** Хушкайфият сизга ҳафта давомида ҳамроҳ бўлади. Атрофдагиларни муомалангиз, аъло кайфиятингиз билан ўзингизга жалб этасиз. Қизиқарли ва ёқимли танишлар орттирасиз, улар ёрдамида келажакда ўз тақдирингизни ўзгартиришга эришасиз.



**ЎҚОТАР** Бу ҳафта омад сизга кулиб боқади — кутилмаганда мукофот ёки ютуқ соҳиби бўласиз. Лекин гангиб қолманг, нотаниш давралардан, алкогол ичимликлардан сақланинг.



**ТОҒ ЭЧКИСИ** Душанба ва сешанба сиз учун яхши келади. Ҳамма муаммоларингизни ҳал қиласиз, режаларингизни амалга оширишда янги имкониятлар вужудга келади, янги таклифлар тушади. Фарзандларингизга қаттиқ гапирманг, улар кўнглини оғритиб қўйишингиз мумкин.



**ҚОВҚА** Бу ҳафта янги қобилиятларингиз намоён бўлиб ҳаммани ҳайрон қолдирасиз, ҳатто ўзингиз ҳам хаёлингизга келмаган ишларни уддалаб ташлайсиз. Дам олиш кунлари ота-онангиз холидан хабар олинг.



**БАЛИҚ** Агар овқатланиш тартибини бузмасангиз, соғлиғингизни эҳтиёт қилсангиз бу ҳафта кўнгилли ўтади. Консерваланган маҳсулотлар, эскирган овқатлардан яхшиси воз кечган маъқул. Оилангиз билан тоққа чиқиб дам олсангиз афсусланмайсиз.

